

**Марказий банк томонидан «Умумжаҳон пул ҳафталиги»
(Global Money Week) доирасида ташкил этилаётган
талабалар ўртасида “Молиявий саводхонлик чемпионати”ни ўтказиш
ҚОИДАЛАРИ**

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу ҳужжат “Умумжаҳон пул ҳафталиги” доирасида ўтказиладиган “Молиявий саводхонлик чемпионати”ни (бундан буён матнда Танлов деб юритилади) ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солади.

1.2. Танлов ёшлар эътиборини молиявий саводхонликка (тежамкорликка) жалб этиш мақсадида Марказий банк томонидан интеллектуал мусобақа тарзида ўтказилмоқда.

1.3. Танлов уч босқичда ўтказилади: саралаш босқичи, яримфинал ва финал.

1.4. Танлов ғолиблари финалда максимал балл тўплаган иштирокчилар орасидан аниқланади.

2. ТАНЛОВ МАҚСАДИ

Танлов мақсади талабаларнинг молиявий саводхонлик, молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва молиявий математика соҳаларидаги билимини ошириб, таълим ва тадқиқот йўналишидаги ишларини рағбатлантиришдан иборат. Шу орқали қуйидаги масалалар ўз ечимини топади:

- олий таълим муассасалари талабаларининг банк-молия соҳасидаги билимларини ошириш ва молиявий саводхонликни тарғиб қилиш;
- молиявий саводхонлик ва молиявий математика соҳасида талабаларнинг кўникмаларини ҳосил қилиш.

3. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

Танлов ташкилотчилари:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки – Молиявий саводхонликни ошириш ва банк мутахассисларини қайта тайёрлаш департаменти;
- khiso.uz веб-сайти платформаси орқали Ал-Хоразмий номидаги халқаро онлайн-олимпиада мактаби.

4. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

Танлов олий таълим муассасаларининг 1-4 курс талабалари ўртасида ўтказилади.

5. ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Иштирокчиларни рўйхатга олиш Ал-Хоразмий номидаги халқаро онлайн-олимпиада мактаби веб-сайтида (www.khiso.uz) бўлиб ўтади.

Танлов уч босқичда ўтказилади: саралаш, яримфинал ва финал босқичлари.

5.1. Танлов саралаш босқичи

Танлов саралаш босқичи ҳар бир қатнашувчининг индивидуал иштироки билан онлайн шаклда ўтказилади. Танлов саралаш босқичининг саволлари khiso.uz веб-сайтида жойлаштирилади.

Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар:

Талаба танловда иштирок этиш учун танловнинг khiso.uz веб-сайтида рўйхатдан ўтган бўлиши лозим.

Танлов ташкилий қўмитаси танлов иштирокчиларининг ушбу Қоидаларда белгиланган шартларга мувофиқлигини тасдиқлаш бўйича ҳужжат талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Танловнинг саралаш босқичида апелляция аризалари кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

5.2. Танлов яримфинал босқичи

Танловнинг яримфинал босқичи биринчи саралаш босқичидан ўтган қатнашувчиларнинг индивидуал иштироки билан масофавий технологиялардан фойдаланган ҳолда (онлайн) ўтказилади. Яримфинал босқичига ўтган иштирокчиларнинг рўйхатдан ўтиш вақтида кўрсатилган алоқа рақамига khiso.uz администратори томонидан СМС-хабар орқали танлов яримфинали ҳаволаси юборилади.

Танлов яримфинал босқичининг саволлари khiso.uz веб-сайтида жойлаштирилади.

Танловнинг яримфинал босқичида апелляция аризалари кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

5.3. Танлов финал босқичи

Танлов финал босқичи Марказий банкда бўлиб ўтади.

Финал босқичига чиққан талабалар икки жамоага ажратилади ва жамоавий тарзда финалда иштирок этади. Финалда муҳокама этиладиган мавзулар (камида 5 та) гуруҳларга олдиндан тайёргарлик кўриш учун маълум қилинади. Танловнинг финал босқичида апелляция аризалари кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

6. ГОЛИБЛАРНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ

6.1. Танлов саралаш босқичи

Танлов саралаш босқичи электрон тест шаклида ўтказилади. Иштирокчилар молиявий саводхонликка оид **10 та тест саволларига** бир соат мобайнида khiso.uz веб-сайтида жавоб беришлари керак.

Электрон тест бўйича энг юқори (максимал) баҳо - **20 балл** этиб белгиланган.

Танлов саралаш босқичи натижалари бўйича якуний жадвал тузилиб, иштирокчиларнинг ундаги ўрни тўпланган баллар юқоридан пастга қараб камайиб бориш тартибида белгиланади. Максимал балл тўплаб, яримфиналга йўлланма олган Танлов иштирокчилари сони **20 тадан** ошмаслиги керак.

6.2. Танлов яримфинал босқичи

Яримфинал электрон форматдаги савол ва масалалардан иборат. Бир соат мобайнида иштирокчилар молиявий саводхонлик бўйича **10 та тест саволлари** ва **4 та масалаларга** жавоб беришлари зарур.

Электрон тест бўйича энг юқори (максимал) баҳо – **20 балл** этиб белгиланган.

Молиявий саводхонликка оид 4 та масалалар учун энг юқори (максимал) баҳо – **20 балл** этиб белгиланган.

Танлов яримфинал босқичи натижалари бўйича якуний жадвал тузилиб, иштирокчиларнинг ундаги ўрни саралаш ва яримфиналда тўпланган баллар юқоридан пастга қараб камайиб бориш асосида белгиланади. Максимал балл тўплаб, финалга чиққан Танлов иштирокчилар сони **6 тадан** ошмаслиги лозим.

6.3. Танлов финал босқичи

Финал босқичи **дебат** форматида офлайн тарзда ўтказилади. Дебат икки жамоа ўртасида **3 та мавзу** бўйича интерактив мунозара тарзида ўтказилади. Жамоаларнинг чиқиш тартиби баҳс модератори томонидан қуръа ташлаш йўли билан аниқланади. Қарама-қарши жамоаларнинг ҳар бири кетма-кет равишда чиқиш қилади (чиқиш давомийлиги 10 дақиқадан ошмайди), вазифа доирасида таклиф қилинган позицияни ҳимоя қилади ва баҳслашади.

Ҳар бир чиқишдан сўнг рақиб жамоа аъзолари чиқиш қилган жамоага 2 тагача савол беришади. Жамоага тайёргарлик кўриш учун 3 дақиқа ва рақиб жамоасининг саволларига жавоб бериш учун 5 дақиқа вақт берилади.

Жамоаларнинг ўзаро саволларидан сўнг, Танлов ҳайъати аъзолари жамоаларга саволлар беришади. Иккала жамоага ҳар хил ёки битта саволни

бериш мумкин. Жамоаларга тайёргарлик кўриш учун 3 дақиқа ва танлов ҳакамлар ҳайъати саволларига жавоб бериш учун 5 дақиқа вақт берилади.

Максимал балл тўплаган **3 кишидан иборат 1 та жамоа Чемпионат ғолиби** бўлиши мумкин.

7. ТАНЛОВ ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТАСИ ВА ТАНЛОВ ҲАКАМЛАР ҲАЙЪАТИ

Танлов ташкилий қўмитаси таркиби Марказий банк ва Ал-Хоразмий номидаги халқаро онлайн-олимпиада мактаби ходимларидан ташкил этилган. Улар қуйидагиларни амалга оширади:

- иштирокчиларни рўйхатдан ўтказиш учун ҳавола эълони;
- баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;
- онлайн тест учун саволлар ишлаб чиқиш;
- онлайн тест саволларини khisoz.uz электрон платформасида жойлаштириш;
- онлайн тест ўтказиш тартиби ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш;
- Танлов ғолибларини тақдирлаш бўйича дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- Марказий Банк ижтимоий каналларида онлайн тест натижалари бўйича ахборот бериб бориш.

Танлов иштирокчилари ишларни баҳолаш учун Марказий банк ходимлари вакилларида ташкил топган Танлов ҳакамлар ҳайъати тузилади.

Танлов ташкилий қўмитаси 4-бандда кўрсатилган Танлов шартларига жавоб бермайдиган иштирокчиларни огоҳлантиришсиз мусобақадан четлатиш ҳуқуқига эга.

8. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШГА РОЗИЛИК ВА ИШТИРОКЧИЛАРДАН КЕРАКЛИ ТАСДИҚЛАР

Танлов жараёнида иштирокчилар ҳақида олинган маълумот ва улар томонидан юборилган ишлар ташкилотчи ва учинчи шахслар томонидан ахборот ҳамда ҳисобот бериш мақсадида, шунингдек Танлов бош мақсадини амалга оширишда (танлов жараёнларини эълон қилиб бориш мақсадида khisoz.uz веб-сайтида, Марказий банк ижтимоий тармоқларида, молиявий саводхонлик бўйича finlit.uz веб-сайтидаги матбуот релизларида) молиявий саводхонлик ва молиявий хизматлар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига омма эътиборини жалб қилиш учун исталган шаклда

фойдаланиш мумкин. Бунинг учун иштирокчига қўшимча ҳақ тўланмайди ва улардан руҳсат олинмайди.

Танловда иштирок этиш иштирокчининг Танлов Қоидаларида белгиланган шартларни ўқиб чиққанлигини ва уларга рози эканлигини англатади.

Танлов ташкилий қўмитаси танлов иштирокчилари ҳақидаги қисман ёки тўлиқ маълумотларни нашр қилишга ва иштирокчилар томонидан бажарилган ишлардан тадқиқотлар олиб бориш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга эканликларини маълум қилади.

Танлов совғалари:

1-ўрин – **smart coat**;

2-ўрин – **hard диск**.

Танлов ғолибларини тақдирлаш ва совғаларни тақдим этиш Марказий банкда ўтказилади.

9. АРИЗАЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

Танловда иштирок этмоқчи бўлганлар khiso.uz электрон платформасида рўйхатдан ўтишлари зарур.

Қўшимча саволлар учун қуйидаги телефон рақамига мурожаат қилинг:
+99871 212-73-56

Рўйхатдан ўтиш учун зарур маълумотлар

Ф.И.Ш.	
Ҳудуд, яшаш манзили	
Телефон рақами	
Ўқиш жойи (ОТМ номи)	